

63

H 25



Ахмад Нарзикулов

de xk y o t
m a k y b l l l l

Аҳмад Нарзикулов

dehkhon

bozbohi


va

zorbador

makbuli

(kalektagari)

ҳижрий-шамсӣ 1370, йил



Тошкент «Меҳнат» 1991



аврӯз, йилбоши. Хӯш, бу сўзларнинг маъноси нима? Улар қачон, қаерда, қандай қилиб пайдо бўлди? Бу саволларнинг жавобини айтиш учун гапни бир қадар узокдан бошлашга тўғри келади. Мана, айтинг: биз яшаётган олам, ҳудудсиз коинот, Еримиз-

га саҳоват билан нур сочиб турган энг кичик юлдуз — Қуёш ҳақида нималарни биласиз? Ҳаво очик пайтлар юлдуз тўла осмонга назар ташлаганмисиз? Эътибор берган бўлсангиз, бундай пайтда ўзингизни доим улкан бир гумбазнинг қоқ ўртасида тургандек ҳис этасиз. Юраверсангиз гумбаз маркази ҳам сиз билан ўша томон силжийвергандек туюлади. Тепангизда ўша ой, ўша юлдузлар бир хил баландликда, мовий-қорамтир парда устига текис териб қўйилгандек милтираб тураверади.

Хӯш, чиндан ҳам шундайми? Йўқ, албатта. Аслини олганда, яхлит осмон гумбази ҳам, мовий қорамтир парда ҳам йўқ. Ҳудудсиз коинот ва ундаги ададсиз юлдузлар бизнинг заиф назаримизгагина шундок бўлиб кўринади, холос. Самовий ёритгичларнинг бари бизнинг юришимиз, югуришимизга қараб эмас, балки ўз қонуниятлари асосида ҳаракат қилишаверади. Юлдузлар бир-биридан шу қадар олиски, улар оралигидаги масофа миллион, миллиард километрлар билан эмас, балки ёруғлик йиллари билан ўлчанади, фалакиётга оид китобларга мурожаат этсангиз бу ҳақда

Бу ўринда яна бир нарсани эслатишга тўғри келади. Бундан 2 минг 200 йиллар муқаддам қадимги юнон ва Рим мунажжимлари илк бор буржий юлдузлар харитасини тузган маҳалда Қуёш олам экваторини худди шу Ҳамал (Қўчқор) юлдузлар туркуми сарҳадида кесиб ўтган (Баҳорги тенг кунлилиқ шу ерда содир бўлган). Қуёш йўли (эклиптика) билан олам экватори кесишиш нуқтасининг ҳар йили ниҳоят оз бўлса-да, силжиши туфайли бу ҳодиса эндиликда Балиқ юлдузлар туркумида содир бўлади. Аммо ойлар ва фасллар номи ўзгармай, аввалгича қолаверади. Шунинг ўзиданок Шамсий йил ҳисоби бундан роса 2 минг икки юз йиллар олдин пайдо бўлганлиги кўриниб турибди.

Арабистон ярим оролида ислом дини ва кучли халифалик пайдо бўлганидан сўнг Муҳаммад пайгамбар билан унинг душманлари ўртасида ихтилоф ва зиддиятлар, ўзаро низо ва урушлар кучайиб кетади. Шу сабабли Муҳаммад алайҳиссалом эрамизнинг 622 йили (16 июль кун)и ўз яқинлари билан Маккадан Мадинага чекинишга мажбур бўладилар. Буни «ҳижрат», яъни кўчиш деб атайдилар. Иккинчи халифа, ҳазрат Умарнинг буйруғи билан Ойнинг Ер атрофидан айланиш ҳаракатига асосланиб тузилган биринчи тақвим худди шу кундан ҳисобланади ва у ҳижрий-қамарий деб юритилади. Бу 354 (қабиса йили 355) кеча-кундуздан иборат. Шу сабабли унинг янги йили ҳам, ислом маросимлари ва диний байрамлари ҳар йили ўн бир кун олдин келаверади. Бу ҳодиса 33 йил давомида ҳамма фасл ва ойларни бир сира айланиб чиқади. Яъни, амалдаги Шамсий йил ҳисобидан ҳар 33 йилда бир йил олдин ўтади (Бу фарқ ҳозирга қадар 42 йил). Бундай чалкашлиқ, шубҳасиз, табиат қонуниятларини ўзида ифода этолмас ва шунингдек, ўша пайтдаги мунажжиму алломаларни ҳам, деҳқону чорвадорларни ҳам боғбонни ҳам қаноатлантирмасди. Шунинг учун Шарқ уламо ва мунажжимлари ўн биринчи асрда 365 кунлик буржий (астрономик) ёки ҳижрий-Шамсий (Қуёш) йил ҳисоби даврасини қайта ишлаб чиқдилар. Баъзи ўринларда бу ўша давр ҳукмдори номи билан «Малик шоҳ йил ҳисоби» деб ҳам айтилади. Баҳорги тенг кунлилиқ (21 март), худди ўша қадимгисидек (эрамиздан олдинги III-II асрлар), янги йилнинг биринчи кун — Наврўз (янги кун) сифатида байрам қилинадиган бўлди. Аммо Шамсий йил ҳам Муҳаммад алайҳиссаломнинг Маккадан Мадинага кўчишларидан бошлаб ҳисобланади ва унга «ҳижрий» сўзи қўшилади, (1991—621-1370; Ҳижрий-Қамарий йил эса 1991—621-1370×42=1412 тарзида топилади.


Куп ўтмай ҳижрий-Шамсий йил ҳисоби Қадимги Шарк ва Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалади.

Энди бунинг «буржий» йил ҳисоби дейилиши ва ойларнинг номи масаласига келганда, юқорида айтдик, аждодлар қадимул айём замонлардаёқ самодаги юлдуз туркумларини аниқлаб, уларни турли номлар билан атаганлар. Куёш эса қоинотдаги ҳаракати давомида ҳар йили шулардан ўн учтаси сарҳадини босиб ўтади. Шу сабабли улар ўзларининг асосий номларидан ташқари буржий (зодикальный) юлдуз туркумлари деб ҳам юриталиди. Шамсий йил ойлари шулардан ўн иккитасининг номи билан аталади (Чаён ва Илондор (Змееносец) юлдуз туркумлари ёнма-ён бўлганлиги сабабли улардан биттаси олинган).

Шундай экан, «навруз», «йилбоши», «қозон тўлди» тантаналарини нишонлаш билан биз фақат янги йил киришини, ўлкамизга чинакам баҳор нафаси уфуришини шодхуррамлик билан кутиб олибгина қолмай, балки ҳали ҳозиргидек кузатиш асбоблари бўлмаган замонларда самовий ёритқичлар сир-асрорларини, ҳаракат қонуниятларини шу қадар аниқлик билан ўргана билган донишманд аждодлар ақл-заковатига ҳам таъзим қилган бўламиз.



Գրք
սովորե-
լիս
գաւի



(форсча — Барре, ўзбекча — Қўй,
22 мартдан 20 апрелгача, 30 кун)

Д.		4	11	18	25
С.		5	12	19	26
Ч.		6	13	20	27
П.		7	14	21	28
Ж.	1	8	15	22	29
Ш.	2	9	16	23	30
Я.	3	10	17	24	



авруз куни. Фақат улкамиздаги-на эмас, балки бутун Ер куррасининг шимолий ярим шарига фасли навбахор кадам куйди. Бунинг маъноси шуки, Куёшнинг тиккага кутарилиши тезлашиб, унинг нури ва иссиқлиги

Ерга тобора, кўпрок етиб келаверади. Кунлар тез узаяди. Масалан, 22 мартдан кеча билан кундуз тенг — ўн икки соатдан бўлса, 31 апрелга бориб, кун узунлиги ўн беш соатдан ошади.

Халқимиз орасида бу ойнинг кечиши, ўзига хос иқлим шароити, об-ҳавоси, шунингдек, бошқа хислат-хусусиятлари ҳақидаги ҳикояту ривоятлар, узоқ кузатиш ва тажрибалар асосида пайдо бўлган хулосалар, мақоллар, ўғитлар кўп. Кишилар деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачиликдаги ишлар муддатини белгилашда улардан кенг фойдаланиб келганлар. Илгари ҳар бир ойнинг бундай ўзига хосликларини пухта билмай, ишда ютказиб қўйган деҳқонни ҳақиқий деҳқон, боғбонни боғбон, чорвадорни чорвадор санамаганлар. Кўп жойларда қишлоқ кишиларининг ўз ҳисобдонлари, тажрибали, билагон қариялари, ўша давр тили билан айтганда, қўрачилари бўларди. Теварак-атрофдаги деҳқонлар, боғбонлар, чорвадорлар улардан йилнинг келиши, об-ҳаво ўзгаришлари, хусусан, касбларига оид ишлар муддатини сўраб, маслаҳат олганлар. Ҳозирги пайтда барча қишлоқ хўжалик ишлари илғор фан-техника ютуқлари асосида олиб борилаётганлиги, шунингдек, иссиқ-

хоналар ҳамда плёнка остида турли сабзавот маҳсулотлари етиштирилаётган бўлишига қарамай, тадбиркор деҳқон, боғбон ва чорвадорлар халқ таомилларига ҳам барибир изчил амал қиладилар.

Ҳар бир ой, ҳар бир фаслнинг ўзига хос таомили ва қонуниятлари бор. «Ҳамал кирди, амал кирди», дейдилар. Бу ҳикматли иборанинг мазмуни ҳар қадамда кўриниб, ўз ифодасини топиб туради. Чунончи, кечалари ҳарорат ниҳоятда паст бўлишига қарамай, дала-қирлар кум-кук майсага бурканади, урик, олча, кийғос гуллайди, шафтоли гунчалари бирин-кетин очила бошлайди, тут, тол, гилос, олма ва бошқа дарахт шохлари кўкимтир товланиб қолади. Хуллас, ҳаво бир қадар исиши билан бутун табиатнинг, ҳашаротлар, қушлар оламининг бирданига амал қилиши, ҳамма соҳада жўшқин меҳнат ҳукм сура бошлаши кузатилади.

Кекса деҳқонлар ҳали ҳутдаёқ дала ишларини қизитиб юборадилар. Боғбон ва соҳибкорларнинг эса бош қашлашга қўллари тегмай қолади. Ток очиш, ишқомларга кўтариш сира фурсат кутмайди. Бир томонда сабзавот ва полиз экинлари экиш авж олади. Карам, плёнка остига экилган бодринг палаклари ва бошқа эртаги экинлар қатор ораларига ишлов бериш бошланади. Қорақўлчилик билан шуғулланувчи ҳўжаликларнинг чорвадорлари ёш кўзиларни асраш, саралаш, 15 апрелдан бошлаб эса баҳорги жун қиркими билан машғул бўладилар. Хуллас, барча дала меҳнатқашларининг долзарб иши, ташвиши авж олади.

Далалар, қир-адирлар, тоғлар фусункор манзара касб этади, ўт-ўланлар гуркираб ўсади, лалмикор ерларда майсалар мавж уради, ҳамма ёкни зумрад поёндозлар безайди, чучмома, бўтакўз, қоқи қаби юзлаб гулчечаклар очилади. Сал кейинроқ қизгалдоқлар алвони бу латофатни тагин ҳам оширади.

Ҳашаротлар, қушлар ва ҳайвонот дунёси ғивирлаб қолади. Турналар арқони жанубдан шимолга тортилади. Сайроқи қушлар кўпаяди. Сассиқ попишак, қалдирғоч, заргалдоқ, энг сўнгида кўк қарға иссиқ ўлкаларга қилган сафаридан қайтиб келади. Халқ орасидаги «кўк қарғанинг келиши, совуқнинг тугаши» дейилгани бежиз эмас-да. Қушларнинг уя қуриб, жўжа очиш, ёввойи ҳайвонларнинг болалаш мавсуми бошланади. Бундай пайтда уларни асраш, гамхўрлик қилиш ва қўриқлашни ҳеч ким унутмаслиги керак.

Кўриниб турибдики, бу ойда инсон учун ҳам, табиат

учун ҳам муътадил об-ҳаво шароити ниҳоятда зарур. Аммо ҳамал ҳар йили бирдай келавермайди. Нормодаги уртача ёғингарчилик миқдори 50 миллиметр бўлса-да, баъзи йиллар бундан икки баравар ва ҳатто ундан ҳам кўпрок ошиб кетиши, ёки аксинча, баъзи йиллар мутлақо қурғоқчилик бўлиб, ўт-ўланлар, ғалла майсалари тез қовжираб қолиши мумкин. Ҳарорат ҳам худди ундай ўзгариб туради. Бу ўринда эл орасидаги «ҳамал йиғлок, савр қурғоқ» дейилган гапни эслатиб ўтишга тўғри келади.

Кекса ҳисобдонларнинг гапларига кўра, ҳамалда ёмғир, сел ва ҳатто жала ёғиши, ҳароратнинг тез-тез пасайиб туриши эҳтимолдан холи эмас. Апрельнинг бошларида ҳарорат пасайиб, сув музлаши ҳам мумкин.





(форсча — Гов, узбекча — Бузок,
21 апрелдан 21 майгача, 31 кун)

Д.	2	9	16	23	30
С.	3	10	17	24	31
Ч.	4	11	18	25	
П.	5	12	19	26	
Ж.	6	13	20	27	
Ш.	7	14	21	28	
Я.	1	8	15	22	29



ижрий-Шамсий таквим буйича 22 апрелдан буржи обий (бахор фаслининг иккинчи оyi — Савр (Бузок) дохил бўлади. Бу ой об-хавоси ҳаммавақт ҳам бирдай келавермайди. Баъзи йиллар ёгингарчилик меъёридан ошиб кетади. «Шишайи савр» деб ата-

лувчи совуқлар кечади. Момақалдирок, сел, гоҳида ҳатто жала ҳам қуяди. Шунинг учун эл орасида «ойнинг боши, беши ва ўн бешидан кўрк» деган гаплар юради. Саврнинг ўрталарида (11—15) ҳам ёгингарчиликлар бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Савр ойида Қуёш тиккага яна ҳам кўпроқ кўтарилади, кунлар узаяди. Ойнинг охирига келиб кун узунлиги 17 соатга етади. Табиат тагин ҳам ўзгача латофат касб этади. Боғлар, далалар, кир-адирлар кизғалдок ва бошқа турли чечаклар билан қопланади. Ғаллазорлардаги майсалар мавжи мовий денгизни эслатади, шифобахш гиёҳлар кўпаяди. Булоқлар, дарёлар сероб бўлади, окшомлар ёқимли, қибла шамоли эсади.

Халқ ҳисобдонлари ўзларининг кўп йиллик тажрибалари, кузатишлари асосида савр ойининг об-хавоси, иқлим шароити ўзгаришларига оид кўпгина хулосаларни олдиндан айтиб, деҳқончилик ва чорвачиликдаги ишлар режасини шунга яраша белгилаб келганлар. Баъзи кексалар бу ҳақдаги хикояту ривоятлар, ўғит ва мақолларни ҳозир ҳам айтиб юрадилар.

Чунончи «савр ойи-сабр ойи». Бунинг маъноси шуки, дейишади эл донишмандлари, табиат бир қадар сабр қилиб тургандек, дов-дарахтлар ривож секинлашгандек туюлади. Аммо ҳаракат барибир давом этаверади. Мевали дарахтлар гулдан чиқади. Саврнинг сўнгги ўн кунлигида ток гуллайди. Ҳамма мевалар, хусусан узум ғўралари тез етилади. Ойнинг охирларига бориб, саврий ғилос пишади, эртаги ўрик ранг олади, бозорларда янги картошка, сабзи кўпаяди. Ишнинг кўзини билган боғбонлар саврнинг иккинчи ўн кунлигида ток гулламай туриб, новдаларни кесиш, очилган кундаларни кўмиш, жўяк олиш, пуштани иккинчи чопиқ қилиш, майдонларни бегона ўтдан тозалаш каби зарур ишларни юқори сифат билан тугаллайдилар. «Лолақизгалдок офтоби» бошланмай анжир, анор каби дарахтлар кундаси ҳам «соч томирлари»дан тозаланиб кўмилади. Бу ишларга эътиборсизлик билан қараган соҳибкор кузга бориб ютқазади, баракали ва сифатли ҳосил ололмайди.

Саврда кишилар саёҳатга, тоғлар, хушҳаво жойлар қўйнига интиладилар. Байрам ва дам олиш кунлари сўлим масканларга келувчиларнинг кети узилмайди. Бу жуда яхши, майли, марҳамат, ҳозирги бахтли ҳаёт, фаровон турмушимизга ниҳоятда ярашади. Аммо бу борада баъзи бир мулоҳазаларни унутмаслик керак. Саёҳатга чикувчилар орасида табиат ғўзалликлари, унинг хайру эҳсонлари, мусаффо ҳавоси, тиниқ суви кадрига етмайдиганлар ҳам учрайди.

Савр ойида ҳамма қушлар ин қуриб, жўжа очади, каттаю кичик ҳайвонлар болалайди. Бир неча кундан сўнг чашма ва тоғ жилғаларидаги балиқлар сувга тегиб турган ўт-ўланлар орасига уруғ ташлайди. Уларга, умуман жонли ва жонсиз табиатга савр ойида мутлақо озор бермаслик, аксинча, барчасини асраб-авайлаш, гамхўрлик қилиш керак.





жавзо

(форсча — Дупайкар, ўзбекча —
Эгизак, 22 майдан 21 июнгача, 31 кун)

Д.		6	13	20	21
С.		7	14	21	28
Ч.	1	8	15	22	29
П.	2	9	16	23	30
Ж.	3	10	17	24	31
Ш.	4	11	18	25	
Я.	5	12	19	26	



авзонинг ҳам бошқа ойлар каби узига хос хусусиятлари, қонуниятлари бор. Чунончи, ойнинг биринчи ярмида булутли кунлар, ёғингарчиликлар кузатилиши мумкин. Лекин шундан сунг минтақамизнинг кескин иқлими, иссиқлари устунликни ўз қўлига

олади. Ҳаво ҳарорати нормадаги 24 даража ўрнига 30—35 ва ҳатто 40 даражагача кўтарилиши мумкин. Баъзи йиллар жавзонинг охири кунларига бориб, саратондагидек гармсел (ёлқинли иссиқ шамол) эсади.

Ҳозирги пайтда бундай ҳодисалар бир қадар кам кузатиладиган бўлди. Қирқинчи йилларга қадар дарёлар яқинига жойлашган районлар, хўжаликлар, қишлоқларнинг деҳқону боғбонлари жавзода катта ташвишга тушиб қолардилар. Дарё соҳиллари, туғонлар ва ариқ бандларини мустаҳкамлашга киришардилар. Қирғоққа яқин ерларга, ҳар эҳти-молга қарши, сепоя (тўсиқ бўлувчи ёғоч боғламлари), шох-шабба, шағал ва харсанг тош уюмлари тайёрлаб қўйиларди. Чунки гармсел шамоллари эса бошланиши билан юқори манбаларда қор эриши тезлашиб, дарёлар тошарди. Кучли оқим, бутана сув, катта-катта экин майдонлари, туқайлар, йўлу қўприкларни ювиб кетар атроф-теваракка турли-туман ваҳимали хабарлар тарқаларди. Тошқинга қарши кураш баъзи йиллар умумхалқ хашарига айланиб кетарди. Шу боисдан ҳам «дорийи ало бўлди, дарё суви-бало

бўлди» дейишарди бурунги деҳқонлар (Доройи — эртапишар узум нави булиб, унинг йирик доналари 21 июнь окшоми, жавзонинг чиқиши, саратоннинг дохил бўлиши билан хол ташлаб, кизара бошлайди).

Жавзода дала ишларининг ниҳоятда кизгин ва масъулиятли палласи давом этади.

Бу ойда табиатни, айниқса авайлаб-асраш лозим. Чунки қушлар ҳам, ёввойи ҳайвонлар ҳам бола устириш ташвишида булади. Ҳалқимиз орасида «Жавзода қуш қанотини эгма, болалаган паррандаю жониворга тегма», деган гап буларди. Бу уғит ҳозир ҳам уз кучи ва мазмунини йўқотган эмас.

Одатда, жавзони қавс оyi билан таққослайдилар. Ота-боболаримизнинг фикрича, жавзо иссиқ, келса, қавс оyi совуқ булади. Аксинча жавзо салқин ва серёгин келса, қавс ойида ҳарорат нормадагидан анча кутарилади. Қадимгилар об-ҳаво узгаришларини олдиндан айтишда бу тажрибадан кенг фойдаланганлар. Истаган одам буни ҳозир ҳам ҳисоблаб, кузатиб бориши мумкин, албатта.



Երբեք
օգնեմ
Յաչօր
ժառանգ



(форсча — Хорчанг, ўзбекча — Қис-
кичбақа 22 июндан 22 июлгача, 31 кун.

Д.		3	10	17	24	31
С.		4	11	18	25	
Ч.		5	12	19	26	
П.		6	13	20	27	
Ж.		7	14	21	28	
Ш.	1	8	15	22	29	
Я.	2	9	16	23	30	



у ойни ёз чилласи ҳам дейдилар. Негаким, чилла 22 декабрдан 21 январга қадар давом этиб, узининг аччиқ аёзлари билан замин у сувни, бутун табиатни музлатади, ернинг тупрок унумдорлигини оширади. Саратон эса бунинг акси ёлқинли нафаси,

ўтли ҳарорати билан табиатдаги ҳамма нарсани қиёмига етказди. Қуёш олам шимолий ярим шарининг энг юқори нуқтасига кўтарилади. Энг қисқа тун ва энг узун кун ҳолати содир бўлади. Саратон доҳил бўлгандан 4—5 кун ўтгач, Қуёш жанубга томон оға бориб, тунлар узаяди ва кунлар қисқара бошлайди.

Саратон иссиғининг йўриғи бошқача, таъсирчанлиги ва кескинлиги билан ажралиб туради. Эътибор беринг: бу ой доҳил бўлиши билан саратон қўнғизлари визиллаб, ғиғони фалакка чиқади, ўша оқшом «доройи» нав эртапишар узум ҳол ташлаб ола бўлади, чул, яйлов ва ҳатто бепоён пахтазорларда гармсел эсади, саҳрода гирдибод (туварай) миноралари кўпаяди, баъзан эрталаб ва кеч-қурунлари сароб кўринади, дарёларда сув тошқини бошланади. Ой давомида экинлар, ғиёҳлар, хусусан гуза учун зарур малҳам ҳисобланган «иссиқ сув» оқади. Бу сувдан ичмай қолган кузги экинлар тулиқ пишмай бир қадар баракасиз таъмсиз бўлади.

Саратон офтоби жамики экинни, хусусан гузани қулф урдиради, танасига сингган фойдали ҳарорат ҳосил

тақдирини ҳал этади, салмоқдор қилади, узум, мева, қовун-тарвуз ширинлиги ошиб, шарбатга айланади. Баҳорда утқазилган дарахт, ток кучатларининг тақдири, яъни тўлик амалга кириши шу ойда ҳал бўлади.

Халқ орасида тез-тез, қайта-қайта такрорланиб турадиган ўғитлар борки, уларга таянган деҳқон ҳам, чорвадор ҳам ҳеч қачон ютқазмайди, панд емайди:

— Яхши келса саратон, писанд эмас қахратон (киш).

— Саратон имкониятларини қўлдан бой берган деҳқон турт одам тупланган жойда катта гапира олмайди.

— Саратон иссиқ деб ётма, қўлингдаги нақдингни йўқотма!

— Саратонгача ғуза қаричдан ошса, кузда хирмон тошади.

— Саратонда ток суғурса соҳибкор, узуми олдида асал ҳам бекор.


— Саратонда экиндан ҳол сўр, кузга бориб, баракали хирмонни кўр.

Қишлоқ халқининг, хусусан, кексаларнинг бундай гаплари, иборалари кўп. Саратон иссиғининг инсон организмга, унинг саломатлиги ва кундалик ҳаётига таъсири ҳақида ҳам фикрлар кўп. Чунончи, саратон офтобида чиникқан одам, қиш совуқларига чидамли бўлади, қайси фасл, қайси ойда бўлишидан қатъий назар, синган суяклар саратонда қайнаб битиб, асл ҳолига келади, баъзи касалликлар асорати, таъсири шу ойда инсон организмидан чиқиб кетади, шифобахш шўр лой, қум ва иссиқ сувларнинг таъсир кучи ошади, доривор усимликлар пишади. Равишини билиб тупроқда оёқяланг юриш, оқар лойка сувда чумилиш, Қуёш нурида тобланишнинг саломатлик учун ниҳоят фойдали эканлиги эса қадимдан маълум. Бундай пайтларда офтоб уруши ва терини куйдиришдан зинҳор эҳтиёт бўлиш, шунингдек, атроф-муҳитни, тураржой, сув манбаларини доим тоза-озода тутиш зарур эканлигини унутмаслик лозим.

Саратон табиатига кўра, асосан, иссиқ ва қуруқ ой ҳисобланади. Бу ойда ҳароратнинг 40—45 даража ва ҳатто ундан ҳам ошиб кетиши кутилади.

Саратон кунларининг қандай келишини оддийгина белгиларга қараб ўзингиз ҳам олдиндан билиб олишингиз мумкин. Масалан:

— Тонг. Шарқ осмони эндигина оқара бошлаши билан чумчуқлар чирқиллай бошлайди. Улар қанчалик баланд чугурлашса, уша куни ҳаво шу қадар бўлади.



(форсча — Шер, узбекча — Арслон,
23 июлдан 22 августгача, 31 кун)

Д.		7	14	21	28
С.	1	8	15	22	29
Ч.	2	9	16	23	30
П.	3	10	17	24	31
Ж.	4	11	18	25	
Ш.	5	12	19	26	
Я.	6	13	20	27	



у ой дохил бўлиши билан об-хавода муайян ўзгаришлар юз беради. Осмонда булут увадалари кўринади, ҳарорат бирданига пасаяди. Хуллас, асад салтанати ҳукмронликни бирданига ўз кўлига олади. Бундан об-хаво муттасил шундай салкинлашиб ко-

лаверади деган хулоса чиқариб бўлмайди. Негаки, асад ойи рисоладигидек келса уртача ҳарорат саратондагига нисбатан атиги 2—4 даража паст бўлади, холос. Аммо табиат бу қоидага мудом турли ўзгаришлар киритиб туради. Баъзи кунлар ҳарорат қирқ даражадан ошиб кетиши мумкин. Лекин унинг таъсири барибир саратон иссиғичалик бўлмайди. Ойнинг иккинчи ярми, хусусан, сўнгги ҳафталарига бориб, кечалари елкага иссиқроқ кийим ташлаш эҳтиёжи сезила бошлайди. Баъзи йиллар асад чиқишидан 4—6 кун олдин об-хавода албатта кучли шамол эсиши ва ҳатто дурустгина ёғингарчиликлар бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Халқ ҳисобдонлари асад ойида бўладиган худди ана шундай ўзгаришлар асосида ва иссиқ ўлкаларга сафар қилувчи қушлар ҳаракати ва бошқа белгиларга қараб куз об-ҳавосининг қандай келишини белгилайдилар.

Чунончи, деҳқон ва чорвадорлар орасида:

— Асаднинг сўнгги ҳафтаси қуруқ келса, куз яхши бўлади;

— Ойнинг иккинчи ун кунлигида қўл қуши — қорабо-

вурлар туда бўлишса куз эрта бошланади, деган иборалар юради.

Хуллас, асад ойида ёзнинг инкирозию кузнинг бошланиши билан боглик купгина белгилар тез-тез намоён бўла бошлайди. Кундузлар қисқариб, кечанинг анча узайганлиги сезилиб қолади.


Бошқа ойлар каби асаднинг ҳам ўзига хос хислат-хусусиятлари, айниқса, хайри-саховатлари куп. Бизнинг минтақамиз, хусусан Ўзбекистон ерларига қут-барака энади, экинзорлар ва бог-роғларнинг файзу латофати ошади. Шу сабабли ишнинг кузини билган деҳқон ҳам, богбон ва чорвадор ҳам бу ойнинг имкониятларини қўлдан чиқармаслик чораларини излайди, кечаю кундуз тиниб тинчимайди. Шу боисдан «Асад — экинингни ясат!» дейдилар.

Богбон, соҳибкор ва полизчилар меҳнатининг самараси шу ойда рўёбга чиқади. Бозорлар қовун-тарвузга тўлади. Дастурхондаги чиллаки, бозори, доройи навлар қаторига қора кишмиш, васарға, ҳусайни, оқ кишмиш узумлари, шафтоли, қароли, олхўри, олма, анжир каби нодир мевалар қўшилади. Соҳибкорлар асад тугаши билан офтоби ва сабза майизи қуритишни бошлаб юборадилар. Богбонлар ва тутчилик билан шуғулланувчи деҳқонлар шу ойда кузги пайвандни бошлайдилар.

Сабзавот пайкаллари тагин ҳам тукин-сочин бўлади. Помидор ғарқ пишади. Бодринг, пиёз, бойимжон, булғор қалампири каби пайкал неъматлари сероб бўлади. Маккажухори ва оқжухори дони тўлишади. Биринчи ҳосилдан бушаган майдонларга кечки картошка ва бошқа экинлар экиш тугалланади. Тадбиркорлар таомилга кўра «Асад кирди ётма тек, буш қолган ерингга олапигав эк (озикбоп маккажухори), шолғом эк», дейилган мақолга амал қилади.

Асад ойида чорвадорнинг ҳам ўзига яраша ташвишу таомиллари бўлади. Шу ой давомида гўшт, сут, тухум етиштириш купаяди. Озиқ пишганлиги сабабли сигирларнинг сути қуюқлашади. Чўпон кузини яна бир карра саралайди. «Қуй керак бўлса асадда, жун керак бўлса сумбулада қиркимини ўтказ», дейилган мақол ижросига киришилади.

Табиатда ҳам анчагина узгаришлар содир бўлади. Чашмалар суви камаяди. Дарёлар суви, аксинча, купаяди. Қушлар бирин-кетин иссиқ мамлакатларга сафар қилиш тараддудига тушади. Ойнинг охирида мусаффо осмонда турналар арқони, шунингдек, урдак, ғоз ва бошқа ўткинчи қушлар галаси тез-тез қуринади.



(форсча — хуша, ўзбекча — Бошок,
23 августдан 21 сентябргача, 30 кун)

Д.		4	11	18	25
С.		5	12	19	26
Ч.		6	13	20	27
П.		7	14	21	28
Ж.	1	8	15	22	29
Ш.	2	9	16	23	30
Я.	3	10	17	24	



умбуланинг таърифү тавсифи, узига хос хислар-хусусиятлари, файзу тароватлари, латофатлари ниҳоят кўп. Донишманд халқимиз асрлар давомида уларни тажрибада қайта-қайта синаб кўриб, муайян хулосаларга келганки, улар эндиликда ҳам, бундан кейин ҳам ҳеч қачон уз мазмун-моҳиятини йўқотмайди.

Сумбула, авваламбор, ўзининг салқин ёқимли ва мутадил об-ҳавоси билан кишиларга роҳат, қалбларга қувонч бағишлайди. Деҳқон меҳнатининг, боғбон ғайратининг, чорвадор шижоатининг самараси шу ойда кўпроқ намоён бўлаверади. Пахта қийғос очилади, йигим-терим бошланади. Узум, мева, анжир, анор, қовун, тарвуз, помидор ва бошқа пайкал неъматлари ғарқ пишади, маккажўхори дони тўлишиб, тайёр бўлади. Чорва моллари тез семиради, сигирлар сути тагин, ҳам қуюклашади. Яйлов кишиси кочириш мавсумига тайёргарлик ва кишлов тараддудини жадаллаштиради. Хуллас, вақтида астойдил меҳнат қилган деҳқон, боғбон ва чорвадорнинг ғалвири сувдан тўлиб чиқаверади. Шу сабабли юрагида ўти, билагиди кучи бўлган одам сумбулада тиниб-тинчимайди. Ҳамманинг фикри-ёди етиштирилган мўл ҳосилни сира нобуд қилмай, аъло сифат билан, тез ва соз, ёгин-сочинга қолдирмай саранжом-саришта қилиш билан банд бўлади.

Сумбула мўл-қулчилик ойи. Бошқасини қўяйлик. Жумҳуриятимиз шаҳарларидаги мева-сабзавот бозорлари ман-

зарасига бир назар ташлаган одам сумбула таровати ва кут-баракаси бекиёслигига гувоҳ бўлади-ю, қалби қувончга тўлади. Бошқа юртлардан ташриф буюришган меҳмонлар ҳайрату таҳсинларинику қўяверинг.

Сумбула хайр-барака оёи. Чунончи шу ойда йигиб-териб олинган пахтанинг ҳаммаси юқори навли бўлади, йил ўн икки ой қилинган меҳнат деҳқонга катта даромад келтиради. Ҳосилдан бўшаган майдонлар вақтида шудгор қилиниб, келгуси йил мўл ҳосилига мустаҳкам замин яратилади.

Сумбула дохил бўлиши билан соҳибкорлар ҳам енг шимариб ишга киришадилар. Дастлаб қора кишмиш нав, сўнгра оқ кишмиш ва бошқа нав узумлар йигиб-териб олинади, майиз қуригилади. Тажрибакорлар узум узиш ва майиз қуритишни сумбула чиқмай тугаллаш зарур эканлигини тавсия этадилар. Негаки, қуритиш учун ёйилган узум устига ёмғир тушгудек бўлса, майизнинг сифати паст бўлади. Бу тавсия оқжўхори, маккажўхори дони ва кўпгина мевасабзавот йигим-терими учун ҳам тааллуқлидир.

Бу ой кириши билан табиатда ҳам ўзига хос ўзгаришлар содир бўлаверади. Ўзтибор берсангиз, сумбуланинг дастлабки куниданоқ булутли кунлар кўпайиб, тез-тез шамол эса бошлайди. Ҳарорат пасаяди, кечалари айниқса салқинлашади. Булоқлар, дарёлар суви камаёди. Шунинг учун ҳам қишлоқ қишилари: «Сумбула ёз билан қиш ўртасидаги ганимат фурсат, унинг ҳар бир куни ва ҳар бир дақиқасининг кадрига етиш керак», «Сумбула чиқиши билан изгирин бобо, ундан сўнг қорбобо эшик қоқади», «Сумбула салқин билан огоҳлантиради», «Сумбулада сув тинир» каби ўғит ва ибораларни тез-тез такрорлаб турадилар. Табиат: «Ернинг ички ҳарорат нафаси қайтди, тупроқ совуди, ҳушёр бўл, ҳамма ишингни тезроқ саранжом қил, ҳадемай ёғин-сочинли кунлар бошланади, панд еб қолма тагин», дея огоҳлантиради. Яна бир гап: кузатувчан одам сумбула кириши билан даъфатан соқинлик чўкканлигини сезади. Чунончи, чумчуқлар ҳадеганда аввалгидек жавраб чиркиллашмайди, лайлак, қалдирғоч, қўқарга, сассиқпопишак каби иссиқ улкаларга сафар қилувчи қўшлар бирин-кетин кўринмай қолади, кун қисқалиги сезилиб қолади. Қуёш ботиши билан дарҳол атрофга қоронғилик чўқади. Кечалари осмон қоп-қора тусда бўлиб, юлдузлар йирик, равшан ва анча кўпайгандек кўринадилар. Ҳўш, нега шундай? Буларнинг ҳаммаси, юқорида

айтганимиздек, иссиқ-илим кунлар ўтиб, совуқлар фасли яқинлашаётганлигилан дафолат, албатта.

Сумбулада ёғингарчилик деярли булмайди, (Ҳар ун беш, йигирма йилда содир бўладиган сийрак тасодифлар бундан мустасно). Ҳавонинг ҳарорати уртача 18—20 даража атрофида бўлади. Кексаларнинг хотирлашларича, сумбулада баъзан ниҳоятда иссиқ, ёки аксинча, дурустгина совуқ кунлар ва тунлар кечиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Аммо кузги тенг кунлилик (мезоннинг кириши) дан сунг изғирин, совуқ ва ёғингарчиликлар булмайди, деб кафолат бериш кийин.



Երբեք
հոգեւ-
էջ
գաւեւ



(форсча — Тарозу, ўзбекча — Тарози, 22 сентябрдан 20 октябргача, 29 кун)

Д.	2	9	16	23	
С.	3	10	17	24	
Ч.	4	11	18	25	
П.	5	12	19	26	
Ж.	6	13	20	27	
Ш.	7	14	21	28	
Я.	1	8	15	22	29



ижрий — Шамсий йил ҳисобиға кура мезон буржи бодий (куз) нинг биринчи ойи саналади. Айни пайтларда эрта сахар, тонг коронғисида само ёриткичлариға нигоҳ ташласангиз Куёш йўлининг 180—210 даражаларида турувчи Тарози юлдузлар туркуми осмон гумбазининг қок уртасида чараклаб туради. Мезон дохил булган пайтда кеча билан кундуз тенг 12

соатдан булади. Ой давомида уртача ҳарорат 16—20 даражани ташкил этади. Баъзи йиллар табиат бу қоидаға бир қадар ўзгартишлар киритиши, яъни ҳаво анча иссиқ ёки аксинча, совуқ кечиши ҳам мумкин. Мезоннинг урталари ва охирида совуқ кунлар, ҳатто дурустгина ёғингарчиликлар бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Манбаларда 1949, 1957 ва 1985 йилларнинг 12 октябрида (22 мезон) ҳатто биринчи қор ёққанлиги қайд этилади. Ёғингарчилик бу ойда уртача 20—25 миллиметрни ташкил этиши керак. Аммо куз эрта тушадиган йиллар бу курсаткичнинг уч-тўрт барабар ошиб кетиши ҳам ҳеч гап бўлмай қолади. Умуман, мезонни ёз билан қиш уртасидаги аросат дейишарди қадимгилар.

Халқ ҳисобдонлари об-ҳавонинг мана шу томонлари, шунингдек, ўзларининг кўп йиллик кузатишлари, тажриба ва ҳулосалари асосида мезон ойининг ўзига хос ҳислат-хусусиятларини, деҳқончилик, богдорчилик, чорвачилик ҳамда бошқа соҳалардаги ишлар муддатини аниқ, тўғри

ва пухта белгилаб, унга огишмай амал килганлар. Бу ҳақда кўпгина хикояту ривоятлар, уғиту мақоллар ҳам юзага келган. Чунончи: «Мезон кирди, нақдинг қўлдан олдирма, ҳосилни йиғ, акрабгача қолдирма» ёки «Мезон кирди, ҳисобингни топ» каби гаплар бежиз айтилмаган, албатта.

Мезон кириши билан табиат оламида ўзига хос ўзгаришлар юз бера бошлайди. Аслини олганда саҳоватли кузнинг зийнату фазилатлари сумбула билан шу ойда айниқса кўпроқ намоён бўлади. Вақт-вақти билан осмонда ипаксимон оппоқ толалар уча бошлайди. Мезон пахтаси дейишади уни халқимиз. Бу ҳодиса сўнгги йилларда бир қадар камроқ кўзга ташланадиган бўлиб қолди.

Мезон шамоли ва офтобида айниқса ҳиқмат кўп. Шу сабабли тадбиркор деҳқон таомилга кўра қишга сақланадиган маҳаллий нав олма, нок, нашвоти, анор ва бошқа мевалар, ошқовок, қовун-тарвузни асосан мезон шамоли теккандан сўнггина йиғиб олади. Наврўз кунларига атаб сақланадиган қовун-тарвузни ўзганидан сўнг ҳам ун-ун икки кун яна мезон офтобига ёйиб олади. Бу таомилга Қўкон, умуман, Фарғона водийси деҳқонлари кўпроқ амал қилишади. Шунинг учун ҳам улар ҳар йили Наврўз сайлида жумҳуриятнинг бозорларини қовун-тарвуз, ошқовокка тўлдирадилар.

Ҳатто илонлар мезон офтобида уч-тўрт кун роса тоблангач, инига кириб, қиш уйқусига кетади.

Мезон кириши билан дарахт япроқлари учидан саргайиб, боғ-роғлар тилла ранг либосга буркана бошлайди. Олтин куз ҳукмронликни қўлига олади. Табиат тагин ҳам файзли, лотофатли, янада гузалроқ манзара касб этади.

Богбонлар бу ойда узум ва қўзғи меваларни қолдирмай тўласинча йиғиб-териб оладилар. Анорни эса сал кейинроқ, яъни учки барглари бир қадар сарғая бошлаганидан сўнг йиғиб олган маъқул. Негаки, сўнгги гуллардан пайдо бўлган анор доналари шу ойда тўлишиб, қип-қизариб пишди.

Соҳибкорлар ток, анжир ва анор новдаларини кесиб, саралаб шу ойда қўмишга шошиладилар. Жуякларни қавс ва чилла суви беришга ҳозирлайдилар. Мевали дарахт қатор оралари, боғлар, сабзавот ва бошқа экинлардан бушган майдонларни сифатли шудгор қиладилар.

Ғаллакорлар қўзғи дон экишни бошлаб юборадилар. Бу ойда экилган дон майсаси тез унади ва совуқ тушгунга қадар панжалаб қолади. Ерга мустаҳкам томир қўйиб улгуради. Бундай майсаларга қиш совуғи ҳадеганда таъсир

ўтказолмайди. Қор кўрпаси кўтарилиб, баҳор нафаси эсиши биланоқ гуркираб ўсаверади.

Мезонда чорвадор қишловга тайёрланади. Қоракўлчиликка ихтисослаштирилган ноҳия ва хўжаликларда, айниқса, масъулиятли дамлар бошланади. Яйлов соҳиблари саҳар пайтлари осмонга тез-тез нигоҳ ташлаб турадилар. Тонг отгунга қадар Хулкар юлдузлар тўдаси уфққа ботиши билан қўйга қўчқор қўшадилар.

— Қани, тарвузни қўчқорнинг шохига ур,— дейишади кекса чорвадорлар,— уруғи сочилиб кетсин. Баҳорда яйловга қўша-қўша қўзилар худди шундай сочилади.

Халқ ҳисобдонлари йиғим-теримни, хусусан, пахта йиғим-теримини иложи борица мезонда тугаллаш зарур эканлигини қайта-қайта маслаҳат берадилар. Негаки, бу ойда кунлар икки соатдан кўпроқ қисқаради, сўнгра аччиқ-аёзли, ёғин-сочинли дамлар бошланади.





акраб

(форсча — Каздум, ўзбекча — Чаён,
21 октябрдан 18 ноябргача, 29 кун)

Д.	1	8	15	22	29
С.	2	9	16	23	
Ч.	3	10	17	24	
П.	4	11	18	25	
Ж.	5	12	19	26	
Ш.	6	13	20	27	
Я.	7	14	21	28	



интақамиз иклим шароитига кўра бу ой ҳароратнинг бир қадар пасайиши ва ёғингарчилик билан бошланиб, аста-секин киш совуқлари билан уланиб кетади. Шунинг учун ҳам қишлоқ кишилари орасида «мезон утди, ёмгиридан нам қолди, акраб кирди, илиқ кунлар кам қолди», «кузги

донни акрабгача майсалат», «деҳқон бўлсанг шудгор қил», «токни акрабгача кўммасанг панд ейсан» дейилган гаплар юради. Шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси халқ ҳисобдонлари, шунингдек, деҳқон ва чорвадорлар, боғбон ва ғаллакорларнинг кўп йиллик тажрибалари, кузатишлари, таққослашлари натижасида юзага келган уғиту огоҳлантиришлар, албатта.

Куз илиқ келса ҳеч гап эмас. Аммо манбаларда ойнинг иккинчи ярми, хусусан, сунгги ун кунда куруқ изгирин совуқлар бўлганлиги, қалии қор ёққанлиги кўп марта қайд қилинади. Мулоҳаза билан уйлаб қарасангиз, юқоридаги гапларда анчагина ҳикмат бор. Чунончи, илиқ кунлар чиндан ҳам кам қолади. Акрабгача майсаламай, тупрокка коришиб, намиқиб, тулишиб турган дон ер музлаши билан тамом бўлади. Қалин қор ёғиб қолиб, ер музласа, ундан сунг килинган шудгор сифатли бўлмайди. Кўмилмай қолган ток новдалари, баъзи йиллар ҳатто мевали дарахтларнинг новдалари ва қуртакларини совуқ уради. Хуллас, акрабнинг турли-туман хатарли жиҳатлари кўп. Шу

сабабли булса керак, «хушёр бул, бекорга чаён демаганлар бу ойни», дея огохлантиришади кексалар. Дехкон ҳам, чорвадор ҳам, галлакору боғбон ҳам ниҳоят хушёрлик ва тадбиркорлик билан иш юритади ақрабда. Беморлик оқибатида ёки бошқа бирор сабабга кўра иложсиз бўлиб қолганлар булса дўстлари, кишлоқдошлари дарҳол ёрдамга отланишади. Бефарволик қилиб токини совуққа олдирган, шудгори сифатсиз булган кишилар бир умр таъна-маломатдан қутулмайди.

Халқ ҳисобдонлари, хусусан кексалар (энди бундайлар жуда оз қолишди) табиат, шунингдек, қушлар ва бошқа жониворлар ҳатти-ҳаракатига қараб бошқа ойлар қатори ақраб об-ҳавосини ҳам олдиндан анча тўғри айта билганлар. Чунончи:

— Эрталаб чумчуқлар қувонишгандек чирқиллашаверса, тушга яқин ҳаво исийди.

— Қора қарғалар шудгор ва бошқа кенг майдонларга ёйилиб донлайверса, тез орада ҳаво бузилади, ёгингарчилик бўлади.

— Олақарға келди, киш яқин. Агар у дарахт, симёғочлар ёки бошқа бир баландрок жойга қуниб олиб қағиллайверса, ёгингарчилик яқин.

— Ҳадеганда дарахтлар барги тукилавермаса, киш каттиқ келади.

— Дарахт барги учидан тукилса, киш муътадил келади.

Бу ойда кундузлар ниҳоятда қисқа бўлади. Халқ ҳисобдонлари ва кекса донишмандлар ҳулосасига қараганда, ақраб рисоладагидек келган йилларда об-ҳаво тез-тез ўзгариб туриши керак. Ҳаво очик, кундузлари бир илиқ кечган дамларда ҳам кечалари барибир ниҳоятда совуқ бўлади, сув ва тупроқнинг устки қатлами музлаши мумкин. Ақрабнинг иккинчи ярми, хусусан охирларига бориб булутли, ёгин-сочинли кунлар қуп бўлади. Далалар оппоқ қор қўрпаси остида қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.


Халқ таомилида яна бир гап бор. Баъзи йиллар бу ходиса жуда сийрак кузатилса ҳам, ақрабда дафъатан чакмоқ, мамоқалдирок гулдирайди. Бундай пайтларда: «тамом, кишни уриб кетди» дейишади кексалар. Яъни ақрабда момақалдирок кузатилса, киш каттиқ келмайди. Лекин табиат бу қоидалар, кузатиш, ҳулосалар, шунингдек, ойнинг бошқа ўзига хос хислат-хусусиятларига баъзан ўзгаришлар ҳам киритиб туради. Бунинг устига, ақрабнинг қуёшли, илиқ кунлари ҳам фусункор бўлади. Қуёш ҳарорати замирида бари-бир аччиқ изғирин кезади. Ёки қутилмаганда

ҳаво бирданига айниб ёмғир, ҳатто қор ёғиши ҳам қеч гап эмас. Шунинг учун «ақраб аёзидан эҳтиёт бўл», дейдилар. Шоир уйгун айтганидек:

Ҳар фаслнинг ўз хислати бор,
Ҳар фаслнинг ўз фазилати,
Кумуши кишдан, зумрад баҳордан
Қолишмайди кузнинг зийнати.

Ақрабда олтин кузнинг латофатли дамлари кечади. Боғлар, шаҳар кучалари четидаги дарахт япроқлари тилла ранг олади, ҳаво ниҳоятда мусаффо бўлади. Оқар сувлар тагин ҳам тиниқлашади. Ақрабнинг иссиқ-илиқ кунларида пиёда сайр қилиш ниҳоят гаштли бўлади. Бозорлар турли кукатлар, кузги қовун-тарвуз, қади, картошка, карам, шолғом, нок, узум каби неъматларга тўлади. Инсон меҳнатининг бор самараси, қут-баракаси шундоққина юзага чиқади. Уларни куриб куз қувонади, дил яйрайди. Ақраб ана шундай инъомлари билан навбатни қавсга топширади.





(форсча — Камон, узбекча — Ёй,
19 ноябрдан 18 декабргача, 30 кун)

Д.		7	14	21	28
С.	1	8	15	22	29
Ч.	2	9	16	23	30
П.	3	10	17	24	
Ж.	4	11	18	25	
Ш.	5	12	19	26	
Я.	6	13	20	27	



слини олганда, бу ой узининг аччиқ аёзлари ва ёгин-сочинлари билан кузни кишга улаб юборади. Муътадил қавс ойида ер музлаб, далаларни қалин қор қоплаши керак. Шунинг учун ҳам халқимизда «ёз ёзлигини, киш кишлигини қилгани маъқул», деган гап бор. Бу ой рисоладагидек келган йилларда ғарби-жанубий шамоллар кўпроқ эса-

ди. Ҳарорат 4—5 даража атрофида совуқ бўлади. Манбалар сўнгги юз йилда 32 илик, 22 совуқ, 46 муътадил қавс ойи кечганлигини кўрсатади. Чунончи, 1948 йилда бу ойнинг 17 куни совуқлар билан, 10 кун қор билан кечган эди. Баъзи йиллар (сийрак учрайди) қавсда ҳам момақалдирок кузатилади.

Халқ таомилидаги гапларнинг маъноси шуки, қавс кириши билан ҳавонинг ҳарорати ва ер мағзидан кўтарилувчи илик нафас кескин пасаяди. Кечалари кўлмак суви ва шудгор қилинган ерлар юзаси музлайди. Ҳаво очиқ кечалари ҳаммаёқ қор ёққандагидек қиров билан қопланади. Дарахатлардаги қолган барглари дув тукилади. Дарё ва ариқлар суви ниҳоятда тиниб оқишда давом этади.

Қавс суви ўткир, яъни сингувчан бўлади. Шу сабабли боғбону деҳқонлар боғ ва тоқзорларни, шунингдек, қуруқ тупроқли ерлар шудгорини бу ойда албатта суғорадилар. Қавс сувига қонган тоқзорлар ёзги сув танқислиги пайтлари ҳадеганда чанқамайди, узуми тошғурага айланмайди,

салоғини йўқотмайди, шираси кўп бўлади. Дарахтлар меваси таранг, соғлом бўлади, кам тўкилади. Чунки қавс ва чилла суви зарарли ҳашаротларнинг қишлаб қолаётган авлодлари, уруғларига, шунингдек, касаллик зарарларига қирон солади. Сингучан сув ток ва дарахтларнинг бир неча метр чуқурликдаги томирларига ҳам етиб боради. Бу нам ёз ойлари аста-секин юзага кўтарилади.

Чорвадор бу кезде қишлоқ билан боғлиқ қолган-қутган-ишларини ниҳоясига етказиб, энг масъулиятли синов мавсумига шайланади. Чунки шу ой тугаши билан ҳақиқий қишлоқ бошланади. «Қавс чиқиши билан тўксон дохил бўлади» дейдилар. Бунинг маъноси шуки, Наврўзга қадар 90 кун қиш давом этади. Қорақўлчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларнинг чорвадорлари, умуман яйлов қишилари бу қонуниятга айниқса қатъий амал қиладилар. «Тўксон қирса, кунлар тўрғай одимчали узая боради» дейдилар.

Ёзнинг кечишига қараб, қишнинг, қузнинг утишини қузатиб баҳорнинг қандай қилишини олдиндан қаромат қилиш ҳам мана шундай ҳисоб-китоблар натижасидир.

Ёзнинг кечишига қараб, қишнинг, қузнинг утишини қузатиб баҳорнинг қандай қилишини олдиндан қаромат қилиш ҳам мана шундай ҳисоб-китоблар натижасидир. Бунинг ҳар бир қиши бемалол тажриба қилиб қуриши мумкин.





ბოქსი
ბოქსი -
კი
გაქს



жағу

(форсча — Бузғола, ўзбекча — Тоғ
эчкиси, 19 декабрдан 18 январгача,
31 кун)

Д.		5	12	19	26
С.		6	13	20	27
Ч.		7	14	21	28
П.	1	8	15	22	29
Ж.	2	9	16	23	30
Ш.	3	10	17	24	31
Я.	4	11	18	25	



инчков, кузатувчан кишиларга об-хаво ўзгаришларини табиатнинг ўзи олдиндан айтиб беради. Яъни осмон, ер, ўт-ўланлар, қушлар, ҳайвонлар, ҳашаротлар ва ҳатто мўридан кутарилаётган тутун бу ҳақда «сўзлайди».

Чунончи, халқ орасида «Ой кутанласа ойда, Қуёш кутанласа кунда ёғар» деган гап бор. Яъни, изғиринли совуқ тун, очик осмондаги тулин Ой атрофида каттакон ёруғ доира пайдо бўлади. Бу Ой кутанлади, дейдилар. Бундай ҳодиса кузатилса яқин орада ёгингарчилик бўлмайди. Ақсинча, кундузи Қуёш атрофида шундай доира пайдо бўлса, ҳаво серёгин келади. Ёки халқ орасида кенг тарқалган мана бу гапларни қаранг:

— Булутли кун, чумчуқлар дарахт шоҳида тўда бўлишади. Ҳурпайишиб жим утиришади. Бир оздан сўнг битта-битта ерга туша бошлайди. Дон излагандек тупрокни титкилашади. Ҳаммаси тушиб бўлгач, бирор шарпадан ҳадиксирагандек гурра учиб, бари дарахтга қўнади. Учиш-қўниш шу зайл такрорланаверади. «Ҳаво ёғадиган бўлди, чамаси» — хулосага келишади тажрибакорлар.

— Қор ёғиб турибди. Ёки ҳаво туман. Чумчуқлар те-варак-атрофдаги дарахтларга тарқалишиб, қувноқ чиркиллай бошлайди. Демак, тез орада қор тиниб, ҳаво очилади ва исийди.

— Қишнинг иссиқ-илим кунлари ола қарға, чумчук,

майна каби кушлар ариқ ёки кўлмак сувларида чўмилишаверса, билингки, кўп ўтмай ҳаво айнийди, ёғингарчилик бўлади.

— Қор ёғпти, мўридан чиқаётган тутун кийшаймай тўғри юкорига кўтарилмоқда. Бу тез орада қор тиниб, ҳаво очилади деган гап. Тутун мўридан чиқиши билан пастга уриб кетаверса, ҳавонинг бузилиши ва ёғингарчилик бўлиши кутилади.

— Кўй ердан бош кўтармай, шошилиб ўтлайверса, чўпон сурувини қўра томон буради. Ёғингарчилик бўлади.

Хуллас, айтаверсак халқимизнинг ҳар бир фасл об — ҳавосини олдиндан айтиш тажрибаларига оид бундай гаплар, ривоят ҳикоятлар кўп. Уларнинг бирортасида гайри табиий сир йўқ.

Чилланинг ўзига яраша хислати қанда — қонуниятлари, фазилатлари бор. Жумладан, бу ойда ёғингарчилик миқдори ўртача 40 миллиметрни, ҳаво намлиги 72 фоизни ташкил этиши керак. Баъзан чиллада 40 даража ва ҳатто ундан кучли совуқлар бўлади. Худди шунингдек, ой анча иссиқ — илиқ кечадиган йиллар ҳам кузатилади.

Энг узун кеча (*шабиялдо*) ва энг қисқа кунда чилла киради. Шундан сўнг кунлар аста — секин узая бошлайди. Халқимиз орасида «тўксон кирса тўғай одими билан, қантар оғса (8 февраль) қарға одими билан кунлар узаяди» деган нақл бор.

Дехқоннинг ҳам, боғбону чорвадорнинг ҳам чиллада амалга ошириши лозим бўлган ишлари, шунга яраша ташвиш — тараддудлари бор. Аслини олганда, зумрад баҳор гулларининг ҳам, ёз иеъматларию куз мўл-кўллигининг ҳам дастлабки куртакларига шу чилла асос солади.

Бинобарин, «сифатли шудгор келгуси йил мўл-ҳосилининг гарови» деймиз. Шундай. Чунки чуқур ҳайдалган ер чиллада роса музлайди. натижада, бундай майдонларнинг тупроқ таркиби яхшиланади, ҳосилдорлиги ошади, кишлоб учун яширинган ҳашаротлар, бегона ўт уруғлари, илдишлари қирилади. Агар ҳайдашдан олдин экин майдонларига гўнг ёки бошқа маҳаллий ўғитлар солинган бўлса, бу тагин ҳам яхши самара беради.

Ғаллакор деҳқон чиллада қалин қор ёғишини истаydi. Чунки қор кузги дон майсалари устини ёпиб, уларни изғирин ва совуқдан сақлайди. Қор суви ерга сингувчандир. Баҳор келиши билан «кўрпа» эриб, майсалар томирига куч беради, нам узоқ сақланади. Чиллада қор сероб келса хирмонга барака знади. «Қор ёғди, дон ёғди», дейдилар.

Чилла суви ҳам фойдали. Хусусан, узум, сабзавот экин-ларидан баракали ҳосил етиштираман деган богбон, касбини севган соҳибкор бунинг қадрига кўпроқ этади. Чилла сувига бир марта қондирилган ток ва мевазор боглар ёз ойларида сувни бир марта кам талаб этади.

Чиллада ёққан қор кишиларга завқ багишлайди. Зеро ҳаво совуқ дамларда ҳам табиат ниҳоятда мусаффо, тоза бўлади. Бундай пайтда яёв юриш, бог ва чўлларда ов қилишнинг гашти айниқса таърифга сикмайди. Бог ва кучаларда болалар меъёрида қор ўйин қилса, яхмалак учса соғлом ўсади. Ҳуллас, чилланинг баҳор, ёз ва куздан қо-лишмайдиган зийнату фазилатлари беқийёсдир.





gallv

(форсча — Дул, узбекса — Қовға,
19 январдан 18 февралгача, 31 кун)

Д.	2	9	16	23	30
С.	3	10	17	24	31
Ч.	4	11	18	25	
П.	5	12	19	26	
Ж.	6	13	20	27	
Ш.	7	14	21	28	
Я. 1	8	15	22	29	



вал айтилганидек, деҳқонлар бу ойни кичик чилла ҳам дейдилар. Далада совуқлар, изғиринлар, қор ёғиши, кечки аёз, булутли кунлар такрорланиб туради. Халқ тажрибалари асосида об-ҳавони олдиндан айтиш белгилари деярли узгармайди. Ша-

молнинг уртача тезлиги секундига 2,2 метрни ёгингарчилик миқдори эса уртача 43—45 миллиметрни ташкил этади. Аммо баъзи йиллар шамолнинг кучи бир неча баравар, ёгингарчиликлар миқдори эса икки баравар ва ундан ҳам кўпроқ бўлган, қор бўронлари қайталаниб, ҳаво ҳаддан ташқари совуқ келган пайтлар ҳам учраган.

Бу ўринда бир ривоятни эслатишга тўғри келади. «Катта чилла кичик чиллага навбатни топшираётиб, мен катта-лигимни қилиб ўтдим, энди сен ўзинг биласан», дея таъкидлармиш. Шу ривоятдаги ҳолат тез-тез такрорланиб туради, кўп йиллик кузатишлар буни тасдиқлайди. Кичик чилла катта қор ва аёзли изғиринлар билан дохил бўлади. Совуқ кунлар давом этаверади. Бу фикрни тасдиқловчи яна бир далил бор. Ҳисобдонлар ёз билан қиш, куз билан баҳорни таққослаб ҳам об-ҳавонинг қандай келишини олдиндан айтадилар. Чунончи, ёз қанчалик қуруқ ва иссиқ кечса, қиш шу қадар серёгин ва совуқ бўлади дейдилар. Айтайлик, саратоннинг ўн учидан ўн саккизига қадар 40—45 даража иссиқ бўлса, чилланинг худди шу кунлари қор, бўронлар ва қаттиқ совуқлар билан ўтади.


Ёз билан қиш, баҳор билан куз ойларини таккослаш баробарида об-ҳавони олдиндан айтиш ун уч йил давомида муттасил кузатиш олиб боришни талаб этади. Негаки Қуёшнинг коинотдаги ҳаракати ва ўтиб бораётган ўрни ҳам йил фасллари об-ҳавосига муайян даражада таъсир кўрсатади.

Тўксоннинг тенг ярми ўтгач, (8 февраль) қантар оғади. Яъни қиш тобара камайишга юз тутиб, табиат иссиқлик сари силжийверади. Қорнинг эриши тезлашади. Шу боисдан ҳам «қантар оғса қор турмас», дейдилар. Қантар оққан кундан этиборан Қуёш нури тушган ерлардан буг кутарилади. Яъни ернинг ички ҳарорати юзага уради. Табиатнинг уйғониш даври бошланади. Ойнинг охири, хусусан, учинчи ун кунлигига бориб далалар, қирлар сабзаранг тусга киради, қори эриган ерларда бойчечек ва митти гуллар кўзга ташланади. Дарахтлар танасига сув югуриб, тол ва терак каби дарахтлар куртаги, айниқса тез катталашаверади. Ҳаво илиқ келган йиллари бодом ва ҳатто ўрик дарахтлари гуллаб қолади. Кунлар сезиларли даражада узаяди. Жадй ойида кунлар 1—2 минутдан узайган бўлса, энди бу 4—5 минутни ташкил этади. Ниҳоят, кичик чилла навбатни буржи хокийнинг сўнгги ойи ҳутга топширади.

Деҳқон қўкламги экиш мавсумига тайёргарликни кучайтиради, техника ремонт, далага маҳаллий ўғит чиқариш, илиқ-иссиқ кунларда ариқ-зовурлар, сув йўлларини казиш авж олади. Боғбонлар фурсатдан фойдаланиб меваги дарахтларни кесиш, шакл бериш ишларини иложи борица тугаллашга шошиладилар.

Чорва яйловларида эса тагин ҳам масъулиятли дамлар бошланади. Чупон-чўлиқлар қўйларини кишловдан тулик ва соғлом олиб чиқиш, хусусан қўзилатиш мавсумини муваффақиятли ўтказиш тараддудида бўладилар. Сурувни вақт-вақти билан яйловга ҳайдайдилар. Қўйлар қори эриган қирлар ва яйловларнинг қуруқ буталари остидаги яшил майсаларга кўпроқ интилишади. Яйлов кишиси бундай пайтда қалин қор ёғиб, қучли совуқлар бўлишини истамай, хушёрликни оширади.

Қантар оғиб, қор эрий бошлаганидан сўнг бўладиган иссиқ кунлар кишиларга шавқ-завқ, қувонч бағишлайди. Гоҳида баҳор нафаси уфургандек бўлади. Ҳамма далага — табиат қўйнига интилади. Болалар бойчечак ҳақида қўшиқ айтишиб, ўзларини, ота-оналари ва қўшниларини хушнуд этишади. Атрофда кишни ўтказиш учун иссиқ ўлкаларга кетиб қолган баъзи қўшларнинг овози эшитила бошлайди. Хуллас, минтақамиз табиати уйғониш сари юз тутади.



(форсча — Моҳий, ўзбекча — Балиқ,
19 февралдан 21 мартгача, 31 кун)

Д.		6	13	20	27
С.		7	14	21	28
Ч.	1	8	15	22	29
П.	2	9	16	23	30
Ж.	3	10	17	24	31
Ш.	4	11	18	25	
Я.	5	12	19	26	



ут одатда икки-уч кун олдин бошланиб, ҳамма ёқни тус-туполон қиладиган ва ҳатто дарахтларни илдизи билан ағдарадиган харосат шамоллар билан дохил бўларди, (Эндиликда бу ҳодиса кам кузатиладиган бўлди). Хутда қор ёғиб, анчагина совуқлар

булиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунончи, халқ орасида шундай ривоятлар бор:

— Минтақамиз қиши баҳор келади.

— Хутнинг сўнгги етти кунда «айёми Ажуз» яъни Ажуз кампир даври кечармиш. Бу кампир: «Хой тўксон (қиш кўзда тутилади), ғазаб қилсам бир кунимча йўқсан», дермиш. Чиндан ҳам ойнинг худди шу кунлари купинча изғиринли совуқлар билан ўтганлиги маълум.

Тоҷик халқининг: «Хут агар хутти қунад, кампирро дар қутти қунад», яъни «Хут хутлигини қилса кампирларни (кексаларни) қутидан (уйдан) чиқармай қўяди», деган гапида ҳам жон бор. Яйлов кишилари орасида эса «яхши келса хутни кўр, қозон тўла сутни кўр», дейилган нақл бор.

Хут кириши билан деҳқонларнинг ороми йўқолади. Ҳамма кўкламги экиш мавсумига тайёргарлик кўради, баракали ҳосилга шу палладан мустаҳкам замин яратади. «Хутнинг ҳар дақиқаси қузнинг ўн кунига тенг», дейилган доно ўғитга амал қилади.

Боғбонларнинг ташвиши бундан ҳам кўпаяди. Улар мевали дарахтларни кесиш, шакл бериш ишларини Хут-

нинг бошларида, куртаклар бўртмай туриб тугаллашга
пишиладилар, кўмилган анор билан анжир дарахтларини
дархол тупроқдан чиқариб қўядилар, акс ҳолда ер исиши
билан бу ярим тропик дарахтларнинг новдаси қорайиб,
чирий бошлайди. Об-ҳаво шароитига қараб, ток қатор
ораларига ишлов бериш, чуқур қилиб ағдариш бошланарди.
Наврўздан сўнг тоқлар усти очилиб, ишқомларга кўтари-
лади. Хуллас, далада қайноқ меҳнат бошланади.

Хут қанчалик совуқ келмасин, табиат барибир уйғониш
сари жадал юз тутиб бораверади. Узок жанубга учиб кет-
ган қушлар қайтади. Қир-адирлар, боғ-роғлар ва далалар
яшил либосга бурканаверади.

— Баҳор қуши — қизилиштон қаерлардадир дарахт
танасини тақиллатади. Бу билан у ёмғир турган бўлса ҳам
ҳавонинг очилиб ва исиб кетишидан дарак беради.

— Олақарга ҳадеганда кетавермаса, совуқ давом этади.
Қариллайверса ёғингарчилик бўлади.

— Мушук ерга ағанайверса ёғингарчилик бўлади.

— Хутнинг охирларига бориб қора чумолилар инидан
чиқади. Ҳаво иссиқ бўлиб, улар, хусусан, қанотлилари
уяси атрофида безовта айланишаверишса қўп утмай осмон
булутланади, ёғингарчилик бўлади, қатор тизилишиб, туғри
урмалашса иссиқ, сокин ҳаво давом этаверади.

Ҳаво ҳарорати батамом қўтарилганидан сўнг қўққарга,
қалдирғоч пайдо бўлади. Турналар яна шимол томонга йўл
олади. Қушлар овози кишилар дилига завқ-шавқ ва қувонч
бағишлайди.

Хутнинг яна бир ажойиб, инсон учун фойдали хислати
бор. Табиат дорихонаси бу ойда одамлар учун эшигини
кенг очади. Ҳамма жойда Наврўз тараддуллари бошланиб
кетади. Сумалак майсалари ўстиришга киришилади. Хусу-
сан, ялпиз, жағ-жағ, сал кейинроқ исмалоқ, қалдирғоч
кулча, шўра, қуштили, барра қизғалдоқ, чучмома, кийикўт
ва бошқа нодир, айни пайтда доривор қўқатлардан бичак,
сомса, чучвара каби ўнлаб тансиқ таомлар тайёрланади.
Қўни-қушни, қавму қариндош, таниш-билишлар ҳурмат
юзасидан бир-бирлариникига товоқ-товоқ зирали, мурчли,
саригёғда пишган қўқбичак, сомса юборардилар. Ота-бобо-
лар удуми шундай эди, ҳозир ҳам таомил шу. Табиат
инъомлари шу қадар қўпки, уларни бирма-бир санаб адо
этиш қийин. Аммо булар орасида баҳор қўқатларидан
тайёрланган таомлар лаззатига не етсин! «Қушнинг ялпиз
сомса бермаса, деворига суйкалиб ўт», дейилган ҳикмат
бекорга айтилмагандир, ахир.

Маълумки, баҳорда кишидаги ҳолсизлик, тана учун зарур бўлган дармондориларнинг қиш ойлари давомида қамайиб кетиши туфайли содир бўлади. Баҳор гиёҳлари эса шу зарур дармондориларнинг айнан ўзгинаси ҳисобланади. Улардан уч-тўрт марта тўйган одам бирданига қувватга тўлади. Буни фақат баҳор фаслида эмас, балки буён ёз бўйи қанда қилмасликка нима етсин! Буларнинг ҳаммаси ҳакимул муаззам Абу Али ибн Сино асарларида тағин ҳам очиқроқ, равшанроқ, мукамалроқ таърифланади.

Хут ана шундай неъматлар конини яратиб, наврўз шодиёналари ва меҳнат кўтаринкилигини авжига чиқариб, фасл навбатини ҳамалга топширади. Халқ таъбири билан айтганда, ҳамал киради — амал киради, шоир айтганидек, келса ҳамал, ер юзидан тафт келади.



Справочное издание

На узбекском языке

НАРЗИКУЛОВ АХМАД

КАЛЕНДАРЬ КРЕСТЬЯНИНА

Ташкент — «Меҳнат» — 1991

Музгаррият мушри *М. Тонилмис*

Рисом *А. Анҷимонский*

Бадий музгаррир *Х. Кутлубо*

Тех. музгаррир *М. Саронова*

Мусаввифа *М. Тожиёва*

ОИВ № 1220

Термиз берида. 24.10.90. Босишти рузсат этиди. 10.12.90. Формати 84x108¹/₂м. № 2
босма қозғалга, Тип, таймс гарнитурани тапри босма усулида босида, 10арч. 6 я. 3,36.
Шарти вр.-от. 3,78. Намр а. 2,79. Тарафи 100 000. Зан. № 23. Бахоси 1 с.

«Меҳнат» нашриети, 700129. Тошкент. Навоий кучаси, 30. Шартинома 171-90.

«Меҳнат» нашриети фотонабор участкасида термизб, Ўзбекистон ССР Матбуот деп-
арти қомитети Тошкент «Матбуот» подглагофия нашаб чикариш бирлашмасининг
№ 2 босмажонасида босида. Янгибўла. Самарқанд кучаси, 44.

kegoh

Л. 2, 9, 16, 23
С. 3, 10, 17, 24
Ч. 4, 11, 18, 25
П. 5, 12, 19, 26
Ж. 6, 13, 20, 27
Ш. 7, 14, 21, 28
Я. 8, 15, 22, 29

akgao

Л. 1, 8, 15, 22, 29
С. 2, 9, 16, 23
Ч. 3, 10, 17, 24
П. 4, 11, 18, 25
Ж. 5, 12, 19, 26
Ш. 6, 13, 20, 27
Я. 7, 14, 21, 28

kgab

Л. 7, 14, 21, 28
С. 1, 8, 15, 22, 29
Ч. 2, 9, 16, 23, 30
П. 3, 10, 17, 24, 31
Ж. 4, 11, 18, 25
Ш. 5, 12, 19, 26
Я. 6, 13, 20, 27

kgal

Л. 5, 12, 19, 26
С. 6, 13, 20, 27
Ч. 7, 14, 21, 28
П. 1, 8, 15, 22, 29
Ж. 2, 9, 16, 23, 30
Ш. 3, 10, 17, 24, 31
Я. 4, 11, 18, 25

gal

Л. 2, 9, 16, 23, 30
С. 3, 10, 17, 24, 31
Ч. 4, 11, 18, 25
П. 5, 12, 19, 26
Ж. 6, 13, 20, 27
Ш. 7, 14, 21, 28
Я. 8, 15, 22, 29

kgm

Л. 6, 13, 20, 27
С. 7, 14, 21, 28
Ч. 1, 8, 15, 22, 29
П. 2, 9, 16, 23, 30
Ж. 3, 10, 17, 24, 31
Ш. 4, 11, 18, 25
Я. 5, 12, 19, 26